

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI
MINTAQAVIY BO‘LIMI
XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI**

XORAZM MA’MUN AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI

Axborotnoma OAK Rayosatining 2016-yil 29-dekabrdagi 223/4-son qarori bilan biologiya, qishloq xo‘jaligi, tarix, iqtisodiyot, filologiya va arxitektura fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

**2025-5/5
Xorazm Ma’mun akademiyasi axborotnomasi
2006 yildan boshlab chop qilinadi**

Xiva-2025

Bosh muharrir:*Abdullayev Ikram Iskandarovich, b.f.d., prof.***Bosh muharrir o‘rinbosari:***Hasanov Shodlik Bekpo‘latovich, k.f.n., k.i.x.***Tahrir hayati:**

Abdullayev Ikram Iskandarovich, b.f.d., prof.
Abdullayeva Muborak Maxmusovna, b.f.d., prof.
Abduhalimov Bahrom Abduraximovich, t.f.d., prof.
Agzamova Gulchexra Azizovna, t.f.d., prof.
Aimbetov Nagmet Kalliyevich, i.f.d., akad.
Ametov Yakub Idrisovich, b.f.d., prof.
Babadjanov Xushnut, f.f.n., prof.
Bahodirova Feruza Bahodir qizi, PhD, dots,
Bobojonova Sayyora Xushnudovna, b.f.n., dos.
Bekchanov Davron Jumanazarovich, k.f.d.
Buriyev Xasan Chutbayevich, b.f.d., prof.
Gandjayeva Lola Atanazarovna, b.f.d., k.i.x.
Davletov Sanjar Rajabovich, tar.f.d.
Durdiyeva Gavhar Salayevna, arx.f.d.
Ibragimov Baxtiyor To‘laganovich, k.f.d., akad.
Izzatullayev Zuvayd, b.f.d., prof.
Ismailov Is‘haqjon Otabayevich, f.f.n., dos.
Jumaniyozov Otoboy, f.f.d., prof.
Jumaniyozov Zoxid Otoboyevich, f.f.n., dos.
Jumanov Murat Arepbayevich, b.f.d., prof.
Kadirova Shaxnoza Abduxalilovna, k.f.d., prof.
Qalandarov Nazimxon Nazirovich, b.f.f.d., k.i.x.
Karabayev Ikramjan Turayevich, q/x.f.d., prof.
Karimov Ulug‘bek Temirbayevich, DSc
Kurbanbayev Ilhom Jumanazarovich, b.f.d., prof.
Kurbanova Saida Bekchanovna, f.f.n., dos.
Qutliyev Uchqun Otoboyevich, f-m.f.d., prof.
Lamers Jon, q/x.f.d., prof.
Maykl S. Enjel, b.f.d., prof.
Maxmudov Raufjon Baxodirovich, f.f.d., k.i.x.
Mirzayev Sirojiddin Zayniyevich, f-m.f.d., prof.
Matniyozova Hilola Xudoyberganovna, b.f.d., prof.
Masharipova Feruza Jumanazarovna, PhD

Mirzayeva Gulnara Saidarifovna, b.f.d.
Najmeddinov Axmad Raxmatovich PhD, dotsent
Pazilov Abdvayait, b.f.d., prof.
Razzaqova Surayyo Razzoqovna, k.f.f.d., dos.
Ramatov Bakmat Zaripovich, q/x.f.n., dos.
Raximov Raxim Atajanovich, t.f.d., prof.
Raximov Matnazar Shomurotovich, b.f.d., prof.
Raximova Go‘zal Yuldashovna, f.f.f.d., dos.
Ro‘zmetov Baxtiyar, i.f.d., prof.
Ro‘zmetov Dilshod Ro‘zimboyevich, g.f.n., k.i.x.
Ruzmetov Davron Ibrogimovich, PhD
Sadullayev Azimboy, f-m.f.d., akad.
Salayev San‘atbek Komilovich, i.f.d., prof.
Saparbayeva Gulandam Masharipovna, f.f.f.d.
Saparov Kalandar Abdullayevich, b.f.d., prof.
Safarov Alisher Karimdjanovich, b.f.d., dos.
Sirojov Oybek Ochilovich, s.f.d., prof.
Sobitov O‘lmasboy Tojxmedovich, b.f.f.d., k.i.x.
Sotipov Goyipnazar, q/x.f.d., prof.
Tojibayev Komiljon Sharobitdinovich, b.f.d., akad.
Xolliyev Askar Ergashevich, b.f.d., prof.
Xolmatov Baxtiyor Rustamovich, b.f.d.
Cho‘ponov Otanazar Otojonovich, f.f.d., dos.
Shakarboyev Erkin Berdikulovich, b.f.d., prof.
Ermatova Jamila Ismailovna, f.f.n., dos.
Eshchanov Ruzumboy Abdullayevich, b.f.d., prof.
O‘razboyev G‘ayrat O‘razaliyevich, f-m.f.d.
O‘rozboyev Abdulla Durdiyevich, f.f.d.
Hajiyeva Maqsuda Sultonovna, fal.f.d.
Hasanov Shodlik Bekpo‘latovich, k.f.n., k.i.x.
Xudayberganova Durdona Sidiqovna, f.f.d.
Yuldashev Xamza Kamalovich, PhD
Zaripova Ranojon Zaripovna, PhD, dotsent

Xorazm Ma‘mun akademiyasi axborotnomasi: ilmiy jurnal.-№5/5 (126), Xorazm Ma‘mun akademiyasi, 2025 y. – 289 b. – Bosma nashrning elektron varianti - <https://www.mamun.uz/bulletin>

ISSN 2091-573 X

Muassis: O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi mintaqaviy bo‘limi – Xorazm Ma‘mun akademiyasi

MUNDARIJA

Olimova Sh.O. The euphemism carousel: a linguistic and cultural Odyssey	6
Omonullayeva S. Psixolingvistika nuqtai nazaridan qiyosiy tahlil yondashuvining oʻrni va ahamiyati	9
Porubay I.F., Nishanova F.R. Ingliz va oʻzbek tillarida milliy mentalitetni voqealantiruvchi til birliklarining qiyosiy tahlili	11
Porubay I.F., Nishanova F.R. Factors of the evolution of english linguocultural units	14
Qarshiyeva T.I. Transcendentalism and jadid literature: a comparison of views on understanding nature, humanity, and freedom	16
Qayumova M.A. A comparative study of the development of chemistry and physics terminology in english and uzbek	20
Qodirova H.X. Kommunikativ tarjimada soxta nutq aktlarini tarjimasida kontekst funksionalligini tiklash vazifalari	24
Qurbonova D.O. Reklama tili talabalarining madaniyatlararo kompetensiyasini shakllantirish vositasi sifatida	27
Qurbonova D.N. Isroil Subhoniy va uning "Shashqator"lari xususida	30
Qutliyeva M. Grammatical, phonetic assimilation of economic terms from russian to uzbek	32
Rahmonberdiyeva N.H. Muhammad Alining "Mashrab" dostonida Mashrab obrazi	35
Rahmonov Gʻ.R. Gradual sinonimlarda aynanlik va farqlilik	38
Rajabaliyeva M.A. Poyon Ravshanovning tarixiy asarlarida Qashqadaryo adabiy hayotining tatbiq etilishi	42
Rajabova R.X., Xazratqulova O.A. The history of terminology and its development	45
Rashidova L.A. Lexicographical analysis of the "friend/dos" concept in english and karakalpak languages	47
Rasulova A.M., Akhrorova J.A. Investigating the phenomenon of polysemy in world linguistics	51
Rejapova M.F. Ingliz lingvokonseptologiyasida "shodlik" va "qaygʻu" konseptosferasi elementlarining etimologik tahlili	53
Rozikova G.Z. "Devonu lugʻotit turk" asaridagi ot leksemalarning semantik xususiyatlariga doir	56
Rustamova D.T. Zamonaviy oʻzbek adabiyotida anʼanaviy va innovatsion metodlar uygʻunligi	59
Ruziyeva M.I. Bilingvizmning psixolingvistik asoslari	61
Saidova Z.Kh., Nasriyeva M.I. Early victorian literature by feminist author	64
Saidova M.S. Communicative functions of interrogative sentences	67
Saliyeva Sh. Problems of translation of occasionalisms between languages with different systems	70
Saloxiddinova S.A. Folklor matnining lingvokulturologik xususiyatlari	72
Samatova Z.Q. Alogical stylistic devices in contemporary media discourse: linguosemantic perspectives on absurd meaning in film, cartoons, and social media	75
Sarimsakova Sh.U. Nonverbal politeness strategies in uzbek and english literary discourse: an intercultural pragmatic approach	77
Sharafiddinov X., Sharafiddinova N. Sheʼr ritmi va musiqiy ohang	81
Shokirova D.A. Bolalar nutqining oʻxshash va farqli tomonlari oʻzbek va ingliz tillari misolida	84
Sirojiddinova Sh.S. Badiiy matn kontekstida mifologiya poetikasining roli va ahamiyati	86
Sultonova K.F. Botanik terminlarning struktur xususiyatlari	90
Suvanova M.X. Oilaviy-maishiy marosimlarga oid etnografizmlar tasnifi	93
Teshabayeva D.M., Oʻsarova M.A. Widespread use of english terms in uzbek brand names	96
Toirova U.S. Isajon Sultonning boʻri hikoyasidagi boʻri zoosemizmining xususiyatlar	98
Toʻrayeva S.Q. Xurshid Davron sheʼriyatida tarixiy siymolar obrazi	101
Turdiyeva G.A. His-hayajonni ifodalovchi til birliklarining oʻrganilishi	103

Turdiyeva N.Yo. Transformation of Concepts in the Translation Process: A Study of William Shakespeare's Works	106
Tursunov M.M., Mirzayeva M.Z. O'zbek milliy kinofilmlarida qahramonlar obrazini yaratishda lisoniy hamda nolisoniy omillar tahlili	108
Tursunov M.M., Sharipova D.B. Characteristic features of Ted Hughes' poetry	112
Tursunov M.M., Cho'liyeva M.X. Ingliz mediadiskursida "milliylik"ga aloqador obrazlar tahlili	115
Umurzoqova M.E. O'zbek lingvomadaniyatiga xos lisoniy shaxs tiplari xususida	118
Usmanova Z.I. Terminlarni tizimlashtirish — zamonaviy tilshunoslikning dolzarb vazifasi sifatida	121
Usmonova D.S., Jurayeva Sh. Modern trends of conceptual metaphor study in cognitive linguistics	127
Usmonova Sh., Bozorboyeva X. Vaqt tushunchasining kognitiv va madaniy talqinini solishtirish	129
Usmonova O.S. Taom nomlari bilan bog'liq frazeologizmlarning lingvokulturologik xususiyatlari	131
Vafoyeva M.R. Lexico-stylistic features of periphrasis in english journalistic discourse	133
Valiyeva N.D. Realism in english literature: a comprehensive examination	136
Xalilova Z.K. Hindiy tilidagi hisob va miqdor ifodalovchi so'zlar va ularning o'zbek tilidagi analoglari	139
Xamroyeva D.J. Abdulla Sher she'rlaridagi ba'zi obrazlarga tavsif	141
Xolmatova O.O'., Xamdanova O.M. Hadis matnlarida qo'llanuvchi sifat so'z turkumi va ularning ma'no guruhlari	144
Xomidjonova M.O., Adamboyeva N. Ingliz va o'zbek tillarida varvarizmlarning o'ziga xos xususiyatlari va nutqda qo'llanish ahamiyati	146
Xudayberganova D.V. "Shum bola" qissasida keltirilgan ba'zi xalq o'yinlarining tarbiyaviy ahamiyati	148
Xusanova G.Sh. Bolalar o'yin nomlarini shakllantirishda til va madaniyatning o'zaro ta'siri	151
Yaxshiboyeva G.O. Akademik mobillik sharoitida ingliz tilini o'qitishning o'ziga xos xususiyatlari	153
Yo'ldasheva X.Q., Narzullayeva Ch.A. Sotsiolekt turlarining deytik xususiyati	157
Yo'ldosheva D.X. Pleonazm hodisasini o'rganishning kognitiv asoslari	161
Yuldasheva F.F. Lingvomadaniy jamiyatdagi estetik qadriyatlar o'zbek va rus tillari maqollari ko'zgusida	164
Yuldasheva M.A. Badiiy matnda alluziya: matnlararo ma'no sarguzashti	167
Yuldosheva S.T., Turayeva U.Sh. Scientific and theoretical basis of terms related economics	169
Yunusova G.D., Xujaeva U.T. Koreys tilida murojaat shakllarining tasnifi	172
Yusupova M.A. The role of women in society in uzbek and english literature: a comparative analysis of "O'tkan kunlar" by Abdulla Qodiriy and "Pride and prejudice" by Jane Austen	176
Yusupova G. Feministik tilshunoslik gender va til tadqiqotlarining asosi sifatida	178
Yusupova S.A., Isaqjonova D.D. Tilshunoslikda gradatsiyaning turlari va uning ahamiyati	181
Zaripov F.H. The role of linguistics in advertising and marketing: how language is used to influence and persuade consumers	184
Zaynobidinova I.M. Ingliz va o'zbek tillarida fe'l tarjimasida olam lisoniy manzarasining aks etishi	186
Zikirova N.M. Challenges in translating lexical gaps in english and uzbek media texts	189
Zoirjanov Sh.Sh. O'lchov birliklari nomlarining tarkibiy tuzilishi va hosil bo'lish xususiyatlari	191
Zokirova Kh.I. An analysis of translation and standardization in general mathematical terminology	194
Абдуллаева Г.З., Мэтякубов Дж., Ражаббоева С. Зоонимы и переносные номинации в разносистемных языках	197

Адилова Ш.Р. Дискуссия о терминах: популярная, жанровая и массовая художественная литература	200
Айтмуратова Т.М. Семантическое поле и лексико-семантические группы концептов труд и лень	204
Артикова З.З. Хитойшуносликда 把 “bǎ” олд кўмакчисининг ўрганилиши	207
Бабаджанов Х.Б., Омонкельдиева Г.У. Анализ русского языка как средство репрезентации концепта «любовь»	210
Базарова А. Конфликт поколений в романе "Отцы и дети" с точки зрения психологии личности	212
Бердиева Л.С., Милованова Е. В. Лингвометодические основы прогноза ошибок в образовании имен существительных	215
Бўриева Р.О., Шофиев О.Б. XIX асрнинг иккинчи ярми рус адабиётида “бола” образи талқини	219
Гаппарова Ш.М. Рецептивное поле Ф.М. Достоевского в романном пространстве Ю.В. Буйды	222
Гудзина В.А. Ономастика в художественном тексте: функции, символика и интерпретация	225
Джалилова З.Б. Шеърятда фитонимларни образлантириш бадий-эстетик тажрибасининг анъанавийлиги	228
Джураева З.Р. Зооморфная когнитивная метафора в русских и узбекских поговорках: гендерный аспект	231
Есемуратова Н. Пословицы и поговорки в литературных произведениях: к вопросу об интерпретации и функции	235
Жамилова Б.С. Поэтик тафаккур янгиланишида болаларга муносабат талқинлари	239
Жиренов С. А., Хусанова М.А. Идиостиль ва уни шакллантирувчи ижтимоий омиллар хусусида	244
Муратов Б. Тема судьбы и свободы в произведениях Ф. М. Достоевского	246
Муродова Д.А. История и значение образа матери в литературе	249
Мусурманкулова М.Н. Историческое исследование строительного дела и построек	251
Набиева Р.Р. Мифологические аллюзии в мировой детской литературе на основе произведений "Питера Пэна" и "Гарри Поттера"	254
Насирова Р.А. Проблема экспрессивных и эмоциональных фразеосем во фразеологии английского языка	257
Несипбаева С.К. Лингвистические и культурные барьеры при адаптации романа Марка Твена "Приключения Тома Сойера" для русскоязычной аудитории	260
Нуриддинов Х. Анализ объектов, выраженных в винительном падеже (nasb)	263
Рахмонова Н.Б. Деривационные аспекты косметологической терминологии в английском, узбекском и русском языках	265
Тулишова Г.Р. Размышления об изучении современной литературы	268
Хамидова М.Х., Рузиева Г.Ж., Эшмуродова Т.А. Морфо-синтаксические особенности выражения пространственных отношений в русском и узбекском языках: сравнительно-лингвистический аспект	272
Хамракулова С.Ф., Ашурматова Н.А. Лингвопрагматические особенности фразем с семантикой возраста в английском языке	275
Шавилова Н.С. Структурно-словообразовательная и морфологическая характеристика паронимов в русском и узбекском языках	277
Шаропова Н.Б. Восприятие михаила булгакова в узбекской литературной традиции	282
Шатова И.Ю. Использование названий профессий в рекламном тексте	286

ПОЭТИК ТАФАККУР ЯНГИЛАНИШИДА БОЛАЛАРГА МУНОСАБАТ ТАЛҚИНЛАРИ

Б.С.Жамилова, ф.ф.д., проф., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Поэтик тафаккур эволюциясини, ривожланиш омили ва қонуниятларини тадқиқ этиш натижасида дунё халқлари болалар адабиётида акс этувчи миллий психология, бадиий-эстетик анъана ҳамда янгиланишларнинг мавжуд адабий жараён тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишини асослаш аҳамият касб этади. Ҳозирги ўзбек болалар адабиётида поэтик тафаккур янгиланишининг роли, аҳамияти, уни эҳтиёжга айлантирган ички ва ташқи, ижтимоий-психологик, тарихий-маданий омиллар, бадиий қонуниятлар, етакчи тамойиллардан ҳисобланади. Ушбу мақолада ҳодисасининг тадрижий такомил босқичлари мифологик, эпик, бадиий-эстетик тафаккур билан генетик алоқадорлиги, халқ тафаккури бағрида шаклланган ижодкор ва бола тафаккури, оталар ва болалар руҳиятининг ўзига хос жиҳатларининг бадиий талқинлари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: мифологик, сюжет, тафаккур, поэтикаштириш, эвриши, бадиий-эстетик, фольклоризм, генетик, мотив.

Аннотация. В результате изучения эволюции поэтического мышления, факторов и закономерностей развития важное значение имеет обоснование того, что народы мира оказывают значительное влияние на развитие существующего литературного процесса национальной психологии, художественно-эстетического аннотации и обновлений, отраженных в детской литературе. Роль и значение обновления поэтического мышления в современной узбекской детской литературе являются внутренними и внешними, социально-психологическими, историко-культурными факторами, художественными закономерностями, ведущими принципами, превратившими его в потребность. В данной статье рассматривается генетическая взаимосвязь эволюционных стадий явления с мифологическим, эпическим, художественно-эстетическим мышлением, творчеством и детским мышлением, сформировавшимся в рамках народного мышления, особенностями духа отцов и детей.

Ключевые слова: мифология, сюжет, мышление, поэтизация, эволюция, художественно-эстетический, фольклоризм, генетика, мотив.

Abstract. As a result of studying the evolution of poetic thinking, factors and patterns of development, it is important to substantiate the fact that the peoples of the world have a significant impact on the development of the existing literary process of national psychology, artistic and aesthetic annotation and updates reflected in children's literature. The role and significance of the renewal of poetic thinking in modern Uzbek children's literature are internal and external, socio-psychological, historical and cultural factors, artistic patterns, and guiding principles that have turned it into a need. This article examines the genetic relationship of the evolutionary stages of the phenomenon with mythological, epic, artistic and aesthetic thinking, creativity and children's thinking, formed within the framework of folk thinking, the peculiarities of the spirit of fathers and children.

Key words: mythology, plot, thinking, poetization, evolution, artistic and aesthetic, folklore, genetics, motive.

Инсоният пайдо бўлгандан буён болалик ҳам у билан ёнма-ён яшаб келаётган экан, асрлар давомида ижтимоий ҳаёт, даврлар ўзгаргани сайин адабий анъаналар, услублар қатори жамиятнинг болаликка муносабати, уларга мўлжалланган бадиий ижод намуналаридаги янгиланиш ҳам давом этиб келмоқда. Болалик инсониятнинг тарихий ўтмиши, ибтидоси, ички олами, “овози”, орзулари, келажагининг тимсоли сифатида турли метафоралар орқали намоён бўлганлиги айни ҳақиқат. Болалар адабиётида бола ва болалик образини поэтикаштириш натижасида болалар ҳақидаги, болаларбоп, болаларга тавсия қилинган бадиий-адабий ижод намуналарининг поэтик тафаккур янгиланишлари таъсирида болаларга мўлжалланган адабиёт

юзага келган экан, унинг умуммиллий, умуммаданий ва айна пайтда, миллий-ментал хусусиятларининг тарихий омиллари анча қадимийлиги англашилади. Болалар адабиётида поэтик тафаккур янгилашнинг тадрижий такомил босқичларига эътибор берилса, унинг мифологик, эпик, яъни халқнинг илк бадий-эстетик тафаккур тарзи билан генетик алоқадорлиги, халқ тафаккури бағрида шаклланиши, ижодкор ва бола тафаккури, руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари фольклоризмлар ҳамда мифологизмлар воситасида ҳам ривож топгани аёнлашади.

Поэтик тафаккур ижодкорнинг поэтик фаолияти (бадий асар яратиши)да акс этади. Шунинг учун у орқали ижодкорнинг поэтик санъати, бадий адабиёт қонуниятларини англаш даражаси, бадий сўзни вужудга келтириш маҳорати кўринади.

Фольклоршунос Жаббор Эшонқул ёзади: “Инсониятнинг энг буюк кашфиётларидан бўлган сўз санъати тарихи жуда қадимий бўлиб, унинг илк илдизлари жаҳон халқларининг фольклори тарихи, яъни сўз санъати тарихида ноэстетик ҳодисаларнинг эстетик ҳодисаларга айланиши масаласи билан боғлиқдир. Жирмунский таъбирича, сўз санъатининг илк ноэстетик илдизлари жаҳон фольклори тарихида кўринади.... Халқнинг мифологик тафаккурдан поэтик идрок қилишга ўтиши ва унинг самараси бўлган бугунги маънодаги фольклор мероси шунчалар мураккабки, унда ибтидоий жамоа тузуми, ундан кейинги илк маданий босқичларининг изларидан то замонавий маиший турмуш ва қарашларнинг қайта-қайта поэтик мушоҳада қилинган бадий ифодаларгача кўриш мумкин”[14,93].

Унинг шаклланишига дастлаб мифологик қарашлар таъсир кўрсатган ва алоҳида омил сифатида хизмат қилган. Мифологик тафаккур аста-секин эпик тафаккур кўринишида ривожланиб борган. Натижада мифологик тасаввур-тушунчалар афсона, эртак, дoston жанрлари ҳамда уларнинг таркибидаги анъанавий эпик мотивларнинг шаклланишига олиб келган. Масалан, Одам Ато ва Момо Ҳаввонинг фарзандлари Қобил билан Ҳобил ҳақидаги ривоятда оила, унда болалар тарбияси, биродарларнинг ўзаро муносабати масаласи кўтарилган. Оилада фарзандлар ўртасидаги келишмовчилик, ака-укалар ўртасида меҳр-оқибатнинг дарз кетиши билан боғлиқ бу муҳим ижтимоий-ҳаётий муаммо талқини асосида адабиётда илк қотил образи очиб берилган.

Шунингдек, ўзбек халқ мифологик афсоналари орасида она ва бола (“Эр Хубби” афсонасида онасининг гапидан хафа бўлган ўғил қушга айланиб учиб кетади), ота ва ўғил (“Бойўғли” афсонасида отасини ранжитган ўғил унинг қарғиши билан қушга эврилади) муносабатларига раҳна тушишидан фарзандларнинг азият чекиши кўрсатиб берилган.

Қизиғи шундаки, инсонларнинг бошқа жонзотларга айланиб қолиш хавотири аслида ўлим тушунчаси билан боғлиқ. Чунки қадимги инсонлар руҳ абадийлигига ишонган. Одам ўлмайди, балки бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилади деб тушунилган[18,120]. Бундай тушунчалар талқини ёзма адабиётда ҳам давом эттирилди. Жумладан, Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясида Герегор Замза исмли йигит бир кечада ғалати жонзотга айланиб қолади. Шу сабабли ундан яқинлари узоқлашади. Уни ҳеч ким тушунмайди. Меҳр-муҳаббатга мушток йигит ёлғизланиб қолгани учун ҳалок бўлади[14,108].

Айтиш мумкинки, ота-оналар ва болалар муносабати дастлаб фольклорнинг афсона, ундан кейин эртак, дoston сингари жанрларида алоҳида мавзу, мотивлар тизимида талқин қилина бошланган. Кейинчалик, бу мавзулар эртакларда янада кенг ривож топгани кузатилади. Айниқса, уларда етим ва ўғай болалар тақдири алоҳида мавзу сифатида берилади. Ниҳоят, бу мавзулар халқ дostonларида янада кенг планда, бой сюжет воқеалари ҳалқасида берилгани кузатилади. Бунга ҳатто чет эл олимлари ҳам эътибор беришган. Жумладан, немис олими Карл Райхл “Алпомиш” дostonида ота-болалар Бойбўри ва Алпомиш, Алпомиш ва Ёдгор муносабатлари, тақдири дostonда бежиз алоҳида ёритилмаганини изоҳлашга ҳаракат қилган[16,395]. Шунингдек, рус олими М.Бахтин ҳам романларда оталар ва болалар муносабати натижасида ёзма адабиётдаги тараққиётни А.И.Герцен, Ф.М.Достоевский ижоди орқали ёритишга интиланган. Чиндан ҳам, Герценнинг “Ким айбдор?” (“Кто виноват?”) асарида бир оила мисолида отанинг болаларга муносабати туфайли ўсмир қиз изтироблари, хусусан, Любоньканинг ички кечинмаларидан иборат кундаликларида отаси худди бегоналардай бўлиб

қолгани, ота-онаси бўла туриб, етимлардек ўксиниб, хўрланиб катта бўлгани учун отасини ҳеч қачон сева олмаслиги, ҳаётда ҳам бутунлай ўзини якка-ёлғиз, ортикча ҳис қилаётгани акс этади[2,126]. Шунингдек, Ф.М.Достоевский асарларида ҳам, айниқса, унинг “Ака-ука Карамазовлар” асарида оталар ва болалар муносабатининг ҳаётӣ-психологик асослари бадиӣ ёритилгани жиҳатидан эътиборни тортади.

Э.Воҳидовнинг “Болалар” шеърда ҳам болалик олами билан боғлиқ кечинмалар фалсафӣ талқин топган. Шеърда лирик қаҳрамон азалий муаммо: оталар ва болаларнинг бир-бирини тушуниши масаласини кўтаради. Бу муаммо, адабиётшунос Д.Қуროнов таъкидлаганидек, XIX асрга келиб рус ёзувчиси И.Тургеневнинг довруқли романи билан ўзига муносиб ном топган бўлса ҳам, аслида азалий масала эканлигини талай далиллар ойдинлаштиради. Жумладан, қадим Бобилда беш ярим минг йил аввал ясалган идишга ёшларнинг маънан айнагани, оқибатда уларнинг ғоят қитмир ва беғам бўлиб кетганидан нолиб: “Бу кунги ёш авлод тамаддунимизни сақлаб қолишга қодир эмас” деган таассуф битилган экан. Фиръавнлардан бирининг қабрига эса ёшлар ўжар ва қайсар бўлиб қолгани – катталар насиҳатига қулоқ солмай қўйгани, бу аҳволда олам улар билан соб бўлиши афсус ила қайд этилган. Яна – Қобилнинг Одам Атога терс боргани, Нух алайҳиссаломнинг ўғли Канъон ўлим хавфи остида ҳам падар сўзини олмагани, Иброҳим Халилulloҳ отасининг динини ҳар йўл билан инкор қилгани – булар ушбу муаммонинг азалий эканига етарли далолатдир. Муаммо моҳияти ҳозирги оилаларда катталар ва кичикларнинг, яъни оталар ва болаларнинг, оналар ва қизларнинг кўпроқ замонавий воқеликларга қарашлари, дид ё қизиқишларидаги муайян фарқларга кўра белгиланмоқда. Шунга қарамай, ўзбек оилаларида муроса ҳукмронлиги аён ҳақиқат. Бунинг илдизи эса шарқона тарбия ва урф-одатларимизга бориб тақалади. Аммо бу ҳолат ота-она ва болалар муносабатида айрим муаммолар мавжудлигини буткул инкор қилишга асос бўлолмайди.

Таъбир жоиз бўлса, Э.Воҳидов шеърда шу мантиқнинг поэтик ифодаси намоён бўлган. Катталар ота бўлгач, ўз болалиги эсидан чиқади, фарзандларининг дарҳол вояга етишини истаб, ўз йўлларида юришга мажбур қиладилар. Шу сабабли лирик қаҳрамоннинг эътирози ҳақли:

Аммо эриш туюлар нечун

Энди сизга бизнинг болалик!
Сиз ҳам, ахир, бола бўлгансиз,
Кўзингизда порлаган ҳайрат.
Ўйнагансиз, шўхлик қилгансиз,
Қалбингизни қийнаган ғайрат.
Айтинг,
Ё сиз гоҳи-гоҳида
Қоидани бузмаганмисиз?
Тирмашиб ё ўрик шохига,
Кўк ғўралар узмаганмисиз? [1, 67].

Болаликнинг барча шўхликларини инсон улғайгачгина ширин хотира билан эслайди. Яъни шоир айтмоқчи:

Тошойнага коптокни урса,
Синарми ё синмасми – қизик.
Ошпичоқни тупроққа суқса,
Унарми ё унмасми – қизик.

Катталар эса буни тушунишни хоҳламайди. Аксинча, ҳамма нарсани тақиқлайди, хатога йўяди.

Кўринадики, фольклордан бошланган оилада бола тарбияси ота-оналар, ака-ука, опа-сингилнинг оилавий алоқа ва муносабатларини адабиётнинг оғзаки ва ёзма шаклларида далиллаш марказий ўринда қўйилган. Бу фақат ҳар бир халқ адабиёти спецификасидан келиб чиқиб, ўша адабиёт қонуниятлари ва бадиӣ-эстетик тамойиллари билан боғлиқликда талқин этилган.

Бундай мавзу тараққиётини:

а) отанинг ўғилга муносабати (мумтоз адабиётда Кайковуснинг “Қобуснома” асари, замонавий адабиётда С.Барноевнинг “Қиблагҳоҳлар” публицистик ҳикояси, Т.Маликнинг “Меҳмон туйғулар” асари);

б) отанинг қизга муносабати (жаҳон адабиётида О.Бальзакнинг “Горио ота”, ўзбек адабиётида Ў.Умарбековнинг “Қизимга мактублар”, Бахтиёр Муҳаммадамин Абдурраҳим ўғлининг “Сирдошим – қизим, эшит...” асарлари);

в) онанинг ўғилга муносабати (С.Барноевнинг “Она” балладаси, Э.Маликнинг “Онаизор”, Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” асарлари);

г) онанинг қизга муносабати (С.Айнийнинг “Қиз бола ёки Холида”, А.Қаҳҳорнинг “Нурли чўққилар” қиссаси);

д) ака-ука, оға-ини муносабати (Горькийнинг “Болалик”, Х.Тўхтабоевнинг “Омонбой ва Давронбойнинг қишлоққа газ олиб келгани”, “Мунгли кўзлар” асарлари, С.Барноевнинг “Ака-укалар”, “Укам туғилган кун” шеърлари);

е) опа-сингиллар муносабати (“Горио ота”даги Дельфина ва Анастазининг бир-бирига нафратли муносабатлари, Ў.Умарбековнинг “Фотима ва Зухра” асаридаги эгизак опа-сингиллар оқибати);

ё) энагаларнинг болаларга, бобонинг неварига муносабати (А.С.Пушкиннинг энагаси А.Родионовнага бағишланган, С.Барноевнинг “Бобом айтган кўшиқ” шеърлари, Э.Маликнинг “Неварамга мактублар” асари);

ж) етимларга муносабат (Ғ.Ғуломнинг “Сен етим эмассан”, “Шум бола”, “Ёдгор”, “Нетай” асарлари, Э.Маликнинг “Болалик ва ўсмирлик кўчалари” асарлари) кабилар орқали англаб олиш мумкин.

Шу билан бирга болаларнинг ота-онага муносабати акс этган асарлар ҳам бор. Бунга жаҳон адабиётида Ф.Кафканинг 1919 йилда ёзилган “Отамга хат” асарини мисол қилса бўлади. Ушбу эссени Вафо Файзуллоҳ ўзбек тилига таржима қилган ва уни “Кафканинг отасига ғазабномаси” сифатида қайд этган. Аммо бу асарда Кафкага отасининг адолатсиз муносабати ошкор қилинган эса-да, барибир адибнинг ўз падарига меҳр-муҳаббати сезилиб туради. Буни қуйидаги парча яққол кўрсатиб туради: “Сен кучли ва жасур ўспирин бўлишим учун астойдил қуйиб-пишдинг, аммо тарбия услубинг феъл-атворингга жуда ҳам мос тарзда, қаҳр-ғазаб билан, куч ишлатиб, бақириб-чақириб мақсадинга эришмоқчи бўлдинг ва хаёлингга бундан бошқа тарбия воситалари келиши ҳам амри маҳол эди, бу эса қутилган натижага хилоф бўлди. ... Ўшанда сен ҳозиргига қараганда ёш, серғайрат, кучли, шунга яраша дўлвор ва беғам эдинг, дўконингга бутунлай боғланиб қолганингдан Сени кунига атиги бир марта зўрға кўра олардим, эҳтимол, шунинг учун ҳам Сен ҳақингдаги таассуротим яна ҳам юксалар, ҳар куни кўриб юриладиган ҳаётнинг одатдаги жуда рангсиз манзаралари олдида ушатиб бўлмас ва қўл етмас даражада буюк эди” [1].

Ўзбек болалар адабиётида болаларнинг катталарга, ота-оналарга муносабатини қисман автобиографик қиссаларда, шунингдек, Х.Тўхабоевнинг “Мунгли кўзлар”, Т.Маликнинг “Алвидо, болалик!” асарида учратиш мумкин.

Умуман, болалар адабиётининг мақсади, вазифалари аслида дастлаб фольклордан талқин қилина бошланган, кейинчалик мумтоз адабиётда айрим ижодкорларнинг ўз фарзандларига насиҳатларини “нома”, (масалан, “Қобуснома”), “маъвизалар” (масалан, “Баҳористон”) шаклида, замонавий адабиётда эса С.Айнийнинг “Қиз бола ёки холида” кўринишида юзага кела бошлаган.

Аниқ бир муаллиф яратган асарда бевосита ўша ижодкорнинг тафаккур тарзи, нутқи бўй кўрсатади. У фикрларини насрий, шеърий ва драматик шаклларда ўз нуқтаи назари, билими, тажрибасидан келиб чиқиб баён қилади. Ёзувчининг тафаккури унинг бадиий нутқида ҳам акс этади. Масалан, у бола учун ёзаётганида, асарнинг тарбия воситаси эканини унутмайди. Айтайлик, “кўр” сўзини қўлламай, эфемизм ишлатиб, бу сўз ўрнида “кўзи ожиз” бирикмасидан фойдаланади. Шу орқали болаларга нутқ одобини етказишни кўзда тутаяди. Ижодкор поэтик тафаккури орқали бола поэтик тафаккури яратилади ва ривожлантирилади.

Болалар адабиётида поэтик тафаккур ривожига халқ тафаккури, ижодкор ва бола тафаккури кесимида бирлашиб, ўзига хос поэтик янгиликларда намоён бўлади. Зотан, болалар учун асар яратадиган ижодкор тафаккурининг белгилари қуйидагилардан иборат дейиш мумкин:

Биринчидан, болалар ижодкори бола онги, шуури, фикрлаши, қизиқишини ҳисобга олиб, унинг ёши, руҳиятига мос фикрлайди.

Иккинчидан, ижодкорнинг бола ўй-фикрларини унинг нутқида баён этишга интилиши, шунга мос тарзда кўпроқ содда гаплар, содда ифода ва услубий нейтрал сўзлардан фойдаланишида кўринади.

Учинчидан, боланинг ҳаёт воқеликларини таҳлил қилиш услубини қўллаши ва шу услубда воқеалар баёнини беришга интилиши, таҳлилда, нутқда қабул қилишига эътибор қаратишида кузатилади. Масалан, адабий эртакларда катталар гапи образли тафаккурнинг болаларча тасаввур призмасидан ўтказилади. Ижодкор поэтик тафаккури, нутқи орқали бола тафаккури очиб берилади. Бунда бола тушунадиган нутқ элементларидан фойдаланиб, унинг фикрлаш доираси кўрсатилади.

Бола тафаккури: а) мактабгача тарбия ёшдаги-кичкинтойлар; б) кичик мактаб ёшидаги болалар; в) 12-16 ёшдаги ўсмирлар ўртасида ўзаро фарқланади. Ана шу уч хил ёш хусусиятига қараб, болаларнинг фикрлаш тарзи ҳам тафовутланади. Бу уларнинг одам ва оламни қабул қилиши, қизиқиши, орзу-интилиши, ўй-хаёли, дунёқараши қабиларда намоён бўлади.

Бола тафаккури ривожига ва янгиликларига таъсир кўрсатувчи омиллар кўп. Булардан асосийлари қуйидагилардир: а) оиланинг таъсири (“Мунгли кўзлар”); б) жамиятнинг, муҳитнинг таъсири (“Алвидо болалар”); в) бадий адабиётнинг таъсири (бу ҳал қилувчи таъсир омили бўлиб, болада ижодкорлик хусусиятини ҳосил қилади ва такомиллаштиради); г) кино, тасвирий санъат, кўғирчоқ театри, болалар спектакллари, сахналарининг таъсири.

Бинобарин, умумида адабиётда, асосан, халқ тафаккури билан ижодкор тафаккури юзага чиқади. Бола тафаккурининг ифодаси ёки унинг муаллиф томонидан очиб берилиши болалар адабиётининг муҳим специфик белгиларидан бирини ташкил қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Воҳидов Э. Сайланма. 2-жилд. Шеър дунёси. – Тошкент: Шарқ, 2001.
2. Герцен А.И. Кто виноват? – Москва: Медиа, 2014. – С.126.
3. Jamilova B. - Description of the spirit of teenagers in uzbek children's prose. Middle European Scientific Bulletin ISSN, 2020.
4. Jamilova B.S., Safarova N.O. Basics of Uzbek Children's Reading. TEST Engineering & Management//http://www ..., 2019.
5. JB Sattorovna, KM Yusufovna . Comparative interpretation of the characters in English and Uzbek novels. The journal of contemporary issues in business and government. 2021/4/30. 27 (2), 1608-1615
6. BS Jamilova, MY Qahhorova . Bolalar detective nasrida o'smirlar ruhiyati tasviri. International scientific methodical journal, ISSN, 2181-1709
7. Jamilova B, Nuriddinova Sh. The spiritual description of adults in uzbek children's prose-the place of literary psychologism. Academicia: An international multidisciplinary research journal. Vol. 11 Issue 1, January.–Indiya, 2021.
8. Jamilova Bashorat Sattorovna, Nuriddinova Shaxnoza. O 'zbek bolalar adabiyotida badiiy tafakkur yangilanishining tadriji. Til va adabiyot ta'limi. 2020-yil, 12-son, 20-27-b
9. Jamilova B. O 'zbek bolalar adabiyoti. O 'quv qo 'llanma. Toshkent.“Innovatsiya–ziyo, 2020.
10. BS Jamilova, IF Sharipova. Important itegration principles in integration of literature and mathematics. Middle European Sci. Bulletin 10, 69-76.
11. JB Sattorovna. Historical and cultural factors of the renewal of poetic thinking children's literature. International journal of artificial intelligence. 2024/10/20. 4 (08), 209-216.
- 12.Джамилова Б, Л Мингазова . Игра слов и смыслов: сравнительный взгляд на юмор в татарской и узбекской детской поэзии. 2024/10/10. 1 (3), 5-13.
- 13.Jamilova B., Nuriddinova S. Ecological education in children's poetry: Expression of nature's relation to society. E3S Web of Conferences, 2024, 587, 05013.
- 14.Жаббор Эшонкул. Эпик тафаккур уйғунлиги / Миф ва бадий тафаккур. – Т.: Фан, 2019. – Б.93.
- 15.Кафка Ф. Отамга хат. Жараён. – Т.: Янги аср авлоди, 2016. – Б. 343-360.
16. Reichl Karl. Turkic Oral Epic Poetry: Traditions, Forms, Poetic Structure. Garland Publishing,inc. – New York & London, 1992. – 395 p. <https://www.twirpx.com/file/1287984/>.
17. Safarov O, R Barakayev, B Jamilova. Bolalar adabiyoti. Darslik, Buxoro-2018.
- 18.Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – Б.120.